

## ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ИНДИВИДУАЛ ЖАНРЛАР

**Қувонч МАМИРАЛИЕВ**

таянч докторант  
Алишер Навоий номидаги  
Ўзбек тили ва адабиёти университети  
Ўзбекистон, Тошкент  
mamiraliyevquvonchbek@gmail.com  
mamiraliyev@navoiy-uni.uz

### Аннотация

Ушбу мақолада ўзбек адабиётида индивидуал жанрлар ҳақида маълумот берилган. Анвар Обиджон, Азим Суюн, Фарида Афрўз ижодида учрайдиган игнабарг, уччанок, қайирма, фикра каби жанрлар хусусида мулоҳаза юритилган. Бундан ташқари, индивидуал жанрларда ёзилган шеърларнинг модификация ҳодисасига таъсири ҳақида ҳам фикрлар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** жанр, игнабарг, уччанок, қайирма, фикра, образ, сюжет, шеърят, модификация, индивидуал жанр, модернизм.

## ОТДЕЛЬНЫЕ ЖАНРЫ В УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ ПЕРИОДА НЕЗАВИСИМОСТИ

**Қувонч МАМИРАЛИЕВ**

базовый докторант  
Университет узбекского языка и литературы  
Имени Алишера Навои  
Узбекистан, Ташкент

### Аннотация

В данной статье представлена информация об отдельных жанрах в узбекской литературе. Обсуждаются такие жанры Анвара Абиджана, Азима Суюн, Фариды Афруз, как игнабарг, уччанок, кайирма, фикра. Имеются также комментарии о влиянии стихов, написанных в отдельных жанрах, на явление модификация.

**Ключевые слова:** жанр, игнабарг, уччанок, кайирма, фикра, образ, сюжет, поэзия, модификация, индивидуальный жанр, модернизм.

Истиқлол даврида ўзбек шеърляти янги босқич кўтарилди ва унинг шакли ва мазмуни модерн тус ола бошлади. Чўлпондан бошланган янги ўзбек адабиёти мазмун ва шаклда анчагина янгиланди. Тасаввуфий ифодалар, образлар модерн оҳангларда бўй кўрсата бошлади. Биз бу ҳодисани Абдували Қутбиддин, Азиз Саид ижоди мисолида кўришимиз мумкин. Ўзбек адабиётида индивидуал жанрлар мавжуд. Бу жанрлар фақат

бир шоир ижодига хос жанрлардир ва унга шоирнинг ўзи ном беради. Масалан, Анвар Обиджон ижодида игнабарг, уччаноқ, Азим Суён ижодида қайирма, Фарида Афрўз ижодида фикра каби шеърлар учрайди. Мазкур шеърларда лирик қаҳрамон кечинмалари ва ижтимоий муҳит воқеалиги аралаш ҳолда тасвирланади.

XX аср бошларидан лирикада аруздан бармоқ шеърий тизимига қадам қўйилди. Бармоқ вазни – мисралардаги бўғинлар миқдорининг тенглигига асосланган шеърий тизим тури.

*Қуй, дўстим, тилларанг шаробдан менга [11 бўғин]*

*Қуйгин, шонли улфат кўрсатсин кучин. [11 бўғин]*

*Ичай, отагинам, деҳқон ҳаққига, [11 бўғин]*

*Жавдар хирмониға соғлиги учун. [11 бўғин] [Абдулла Орипов]*

Вазн ривожига жаҳид намоёндаларидан Чўлпон, Фитрат ва Ҳамза каби ижодкорларни мисол қилсак бўлади. Ҳатто Фитрат бармоқни “миллий вазн” деб атаган [5;88] Бунга асос нима эди? Яъни араблар истилоси давридани кейин адабиётимизга янги вазн аруз кириб келган эсада, бармоқ ўзбек тили табиатига мослиги унинг тараққиётини таъминлаган омил бўлди. Вазн 4 дан 16 бўғингача бўлади. Лирикада жанр тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, жанр, тур, хил терминлари ўзаро бир чизиқда ҳаракатланади. Бармоқ вазни ҳам бевосита шеърий жанр билан бирга лириканинг бир бутунлигини таъминлайди. Шеърий жанр ҳақида кўпгина олимларимиз турли тадқиқотлар олиб борган. Масалан, Т.Бобоев, И.Султон, Х.Умиров, Д.Қуронов каби ижодкорлар тадқиқот олиб боришган. Жанр ҳақида Бахтин фикрларини қуйидагича баён этади. “Жанр ҳозир билан яшайди. Бироқ ҳамма вақт ўзининг ўтмиш ибтидосини ёдда тутаяди. Жанр – ижодий хотиранинг адабиёт тараққиёти жараёнидаги вакилидир”. Лирик жанрлар мазмун жиҳатидан фалсафий, ишқий ҳамда сиёсий кўринишларга бўлинади. Шеърий жанрлар асли қай кўринишда? Улар – рубоий, ғазал, соннет, хокку, туюқ, назира, бадиха, чистон, кўшиқ, алла, қайирма, уччаноқ, игнабарг,

фирқалар. Жанр ажратишда шаклга эътибор берилади. Ўтган давр жанрлари қатъий ва доим бир хил бўлган. Яъни жанрлар бир хиллик қолипидан эркинликка чиқди. Энди доимийлик қобигидан чиққан ҳолда ижодкорнинг ўзи ҳам янги жанр ярата олади. Иззат Султоннинг “Ҳозирги адабиётда жанрлардаги қатъийлик камайди. Шу мазмунда мумтоз адабиётимиздаги (арузда яратилган) лирик шеърларнинг жанр хусусиятларини аниқлаш ҳозирги замон поэзиясидаги (бармоқда яратилган) лирик шеърларнинг жанр хусусиятларини аниқлашга нисбатан осон ва қулай”, деган фикрлари мавжуд. Бунда олим “поэтик жанрлар классикада қатъий норма ва андозага эга бўлгани ҳозирги лирикада эса бу ҳолат у қадар сезилмаслигини” айтади.

Лирик асарлар жанрини белгилашда мазмунни ҳам асос қилишган. Аммо бу қадимда бўлган. Янги шеърый жанрни яратиш бу ҳамма ижодкор ўз асарида янги йўлдан бориб уни жанрнинг янги тури деб айта олмайди, албатта. Улар ҳам мавжуд қоидалар босқичидан ўтади. Ҳ.Олимжон шеърый шаклда ёзилган ҳар қандай асарнинг шеърлигини, ундан сўнг уни маълум бир жанрга доирлигини аниқлаш мумкинлигини таъкидлаган. И.Султон эса шеърда ҳар қандай вақтда ҳам қолип бўлишини ва шу омил шеърни белгилашини таъкидлайди. Агар поэтик қолип сезилмаса жанр йўқоладими ёки йўқ деган савол туғилиши табиий. Унда жанр қиёфаси қоришиқ соф жанр талабларидан ҳоли тарзда бўлади. Агар масалани аниқ оладиган бўлсак муаммо нимада?

Икки томонда икки хил жанр тизимининг тафовути мавжуд яъни аруз ва бармоқдир. Аруз вазнида мумтоз адабиёт жанрлари: рубоий, ғазал, мусаддас, мурабба, муашшар ва ҳ.к. Бармоқ вазнидаги шеърый жанрлар: достон, соннет, кўшиқ, айтишув, алла.

Аруз вазнидаги мумтоз шеърлар содда тилда ёзилганлиги сабаб ўқувчи уни англашига ҳеч қандай мушкулот туғдирмайди. Даврнинг турли ижодкори бўладими ёки бир ижодкорнинг арузда ёзилган турли жанр намуналари бўладими ҳаммаси жанр қолипидан чиқмаган ҳолда ёзилган.

Бармоқ эса юқорида айтилганидек, мустақилликдан сўнг лирикада янги жанрлар пайдо бўлди ва бу мавжуд жанрларнинг янада кенгайиши айтилган бармоқда ёзилган шеърларни таҳлил қилишда қийинчиликларни келтириб чиқаряпти. Бу индивидуал ижодий эксперимент тарзида майдонга келган жанрлар деб аталади. Яъни қайирма, игнабарг, уччанок, фикра. Булар ўзи қандай жанр?

Қайирма – нутқимизда обдон етилган, тобига келган нарса, иш, ҳаракат, амал маъноларини англатади. Бу сўзда пишиқлик, пухталиқ маънолари бор. Азим Суюн бутун бошли “Эй дўст” шеърини китобини қайирма жанрида ёзган. Абдулла Орипов ҳам Азим Суюннинг қайирмаларига алоҳида эътибор бериб, мустақил жанр сифатида эътироф этган: “Биз рубоий, туюқ, фард деган жанрларни биламиз. Менимча, буларга қайирма ҳам алоҳида жанр бўлиб қўшилади. Чунки А.Суюннинг ғайрати ва меҳнати билан қайирма ҳам алоҳида жанр хусусиятига эга бўлади”.

“Эй дўст” билан шоир тўртликни (мураббани) қайта шакл ва маъно жиҳатидан янгилади.

Эй дўст!

Ҳақ йўлин тартибин бузаётган ким?

Олам сирлар ипин узаётган ким?

Дилим менга деди: — Ўзинг-ку ахир

Мен дедим: – Мен бўлсам тузаётган ким?

Эй дўст!

Дунё барча учун бир жадалгоҳ жой

Кимнинг жойи саҳро, кимники сарой.

Дўст бағри меники, унда бўлса бас

Бир қадаҳ май ёки бир пиёла чой [4;181].

Ушбу қайирмалар мумтоз адабиётимиздаги рубоий, тўртлик каби жанрларга ҳам ўхшайди. Чунки унда фалсафий, дидактик руҳ устунлик қилади. Ҳар бир қайирма, дўстга мурожаат билан бошланади ва қайирма

жанрининг ўзига хос хусусиятларидан бири. Бундан ташқари, Азим Суён ижодида насрий қайирмалар ҳам учрайди. Ушбу қайирмаларда ҳам фалсафий рух етакчилик қилади. Бир насрий қайирмада шоир шундай дейди: “Илм – асал. Асалари асални фақат бир хил гулдангина йиғмайди” [4;184].

Игнабарг жанри – фақат бир қатордан иборат шеър. Ушбу жанрда Анвар Обиджон самарали ижод қилган. Бу жанр ҳақиқатда ҳам янги жанр, негаки бу жанрнинг мумтоз адабиётда муқобили йўқ. Аммо уни баъзи адабиётшунослар жанр сифатида эътироф этишмайди. Тадқиқотчи Қ.Йўлчиев “Ўзбек шеърлятида бирлик ва учлик шеър шеър поэтикаси” тадқиқотида ушбу шеърларни жанр сифатида эътироф этади ва назарий таҳлиллар билан исботлаб беради. Адабиётшунос У.Тўйчиев бирлик шеърларни “насрий шеър” деб атайди. Бир қатордан иборат шеърлар – бирликлар Фахриёр ижодида ҳам учрайди. Анвар Обиджон бундай шеърларни игнабарг шеърлар деб номлайди. Чунки ушбу шеърларнинг маъноси ўқирман қалбига, тафаккурига игнадек санчилади. Ушбу шеърларга хос пафос ҳам, фалсафа ҳам, оҳанг ҳам мавжуд. Ушбу шеърларни бирлик дея номлагандан кўра игнабарг шеърлар деб жанр сифатида белгилашни маъқул деб билдик. Зеро, бу мукамаллик даъвосидан йироқдир.

Анвар Обиджоннинг игнабарг шеърларига эътибор қаратамиз.

*Шарқда ухлаб, уйғонар ғарбда.*

*Гўрковдан ҳам диплом сўрар у.*

*Дидсиз сулув – нонсиз зиёфат.*

*Романларин ёзар...кетмонда.*

*Ўғлидан қарз сўрар шўрлик.*

*Инсон ўлди тугилди қабр.*

*Ёй ўқталди танкка болакай.*

*Ухласа сал ҳалол яшайди [3;244].*

Кўриб турганимиздек, ушбу игнабарглар ўқирманни яхшигина ўйга толдиради. Унда инсон ўй-кечинмалари билан бир қаторда, ижтимоийлик

ҳам яхши ёритилган. Қўлимизга игна кириб кетса қандай сескансак, игнабаргларни ўқигамизда ҳам шундай онгимиз, қалбимиз сергак тортади.

Анвар Обиджон ижодида уччаноқ шеърлар ҳам алоҳида аҳмиятга эга.

*Раҳмат сенга, эй бурга*

*Қоним ичсанг ҳам бирга*

*Юрдинг оғир кунимда.*

*Худо маъюс кўзимда*

*Шайтон яшар сўзимда*

*Тилим жуда дўзахи.*

*У – паҳлавон, ботир*

*Олар лек кўп хавотир*

*Милтиги бор жиннидан [3;97].*

Шоир ушбу шеърларни уччаноқ деб номлайди. Уччаноқ – номида англашилгандек уч мисрадан иборат шеър жанри. У мумтоз адабиётдаги мусалласдек уч мисрадир. Уччаноқлар структураси тўртлик шеър тузилишининг модификацияга учраган шакли сифатида қаралса тўғрироқ бўлади. Чунки тўртликдаги фалсафа айнан уччаноқларда ҳам учрайди.

Фарида Афрўз ижодида фикралар алоҳида ўрин тутади. Фикра арабча “қисм, бўлак” маъноларини англатади. Фикра-адабий бадий асардан олинган ҳикматли сўз, гўзал парча. У фикраларни “Ташбиҳ” китобига киритган. Фикраларда тасаввуфий қарашлар, диний мулоҳазалар, қалб кечинмалари етакчилик қилади.

*Қашишоқлик*

*давлатдир*

*Нодонликдан кўра.*

*Сен унчалар бадбахт эмассан*

*Танимайсан*

*Бахтингни холос.*

*Қуюшқонга сизмас ижодкор*

*Сарҳад унинг ўлими демак*

*Чегарадир унга қабристон.*

*Яна тўлғониш*

*Яна изтироб*

*Соат миллари сайраб толмайди.*

*Шоир – шамолда шам кўтариб кетаётган кимсадир [1;206].*

Кўриб турганимиздек, фикраларда мавзу деярли чегара билмайди. Унда инсон қалбидаги изтироблар, тўлғонишлар ижтимоий воқеалар билан қоришиб кетади. Улар ўқирман кўзига кўзгу тутади ва ўзимизни англашга ундайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, индивидуал жанрлар маълум бир ижодкорнинг ижодига ва услубига хос жанрлардир. Улардаги мазмун чегара билмайди, шакли эса аруз вазнидаги фард, мусаллас, мураббаъ каби жанрларга яқин. Бу ҳодиса ўзбек шеъриятида жанрларнинг турғун эмаслиги ва доим ривожланиб, сайқалланиб бораётганидандир. Бунда инсониятнинг дунёқарашидаги ўзгаришлар, эврилишлар сабаб бўлган. Чунки энди шеърият гўзалликни ташқаридан эмас, ичкаридан, инсон ботинидан излай бошлади ва бу ўзбек шеъриятини мазмунан ва шаклан ўзгартириб юборди. Биз бундай ҳодисалардан бирини индивидуал жанрлар мисолида кўриб ўтдик.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Афрўз, Ф. Ўша кун бугундир. Сайланма. 1-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2013. – 283 б.
2. Мамиралиев Қ. Ўзбек шеъриятида жанрлар мутациясига оид айрим мулоҳазалар. //Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги – ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал) 2021 йил, март сони. – Б.184-195.
3. Обиджон, Анвар. Танланган шеърлар. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 360 б.
4. Суюн, Азим. Эй, дўст. – Тошкент: Янги авлод, 2009. – 181 б.
5. Фитрат, Абдурауф. Танланган асарлар. IV-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 332 б.

6. Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 480 б.
7. Quvonch Mamiraliyev. 2022. “Genre Modification in Uzbek Poetry of the Independence Period”. European Journal of Humanities and Educational Advancements 3 (3):115-19.  
<https://scholarzest.com/index.php/ejhea/article/view/1916>
8. Quvonch Mamiraliyev. Some reviews on the mutation of genres in uzbek poetry. International journal for innovative engineering and management research. ISSN 2456 – 5083. Vol 10 Issue03, Feb2021.